

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ХИКМАТОВ ШУХРАТ ШАБАНОВИЧ

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Хикматов Шухрат Шабанович

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор
назоратини такомиллаштириш 3

Hikmatov Shukhrat Shabanovich

Improvement of prosecutorial supervision in ensuring the rights of persons with
disabilities 29

Хикматов Шухрат Шабанович

Совершенствование прокурорского надзора в обеспечении прав лиц с
инвалидностью 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ХИКМАТОВ ШУХРАТ ШАБАНОВИЧ

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025 йил

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Yu1654 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исоқов Луҳмонжон Холбоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джураев Ихтиёр Бахтиёрович
юридик фанлар доктори, профессор

Комилов Авазбек Бокижонович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
миллий маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 25 декабрь соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (78-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2025 йил 12 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 12 декабрдаги 42-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолисининг қарийб 15 фоизи турли даражадаги ногиронликка эга бўлиб, уларнинг бешдан тўрт қисми ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилмоқда¹. Уларнинг кўпчилиги иқтисодий фаол аҳоли қатламига мансуб бўлса-да, иш билан таъминланиш даражаси паст. Ногиронлиги бўлган шахслар сони йилдан йилга ортмоқда², шулардан 1 миллионга яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади³. Ижтимоий дунёқарашда инсон омили устуворлашиб бораётган шароитда халқаро ёндашув ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятдан ажратмасдан, уларнинг тўлақонли интеграцияси ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган замонавий механизмлар ҳамда янги тамойилларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Жаҳонда бир қатор халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТнинг 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 2006 йилдаги Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида ғамхўрлик ва ҳимояга эга эканлигини белгилаб берди. Буларнинг барчаси, халқаро майдонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда бу соҳадаги қонунчиликнинг ижроси устидан самарали назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб бермоқда. Шу сабабли ҳам бу борада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш устидан қатъий давлат ва жамоат назоратини кучайтириш, бу соҳада айниқса прокурор назоратини янада такомиллаштириш муҳим ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг миллий ҳуқуқий тизими яратилган бўлиб, ушбу соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан назорат тадбирларининг ўтказилиши уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Жумладан, 2023-2025 йилларда ногиронликни белгилаш, бекор қилиш ва ўзгартириш билан боғлиқ соҳада республика бўйича жами 54 та жинойт иши қўзғатилган бўлиб, уларнинг асосий қисми тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятидаги сохталаштириш, ўзлаштириш ва растрата ҳолатлари билан боғлиқ. 2024 йилда мазкур соҳада 87 та текшириш ўтказилиб, 832 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Текширишлар натижасига кўра, 37 та ноқонуний ҳужжатларга протест келтирилган, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 85 та

¹ Ногиронлар инклюзивлиги, Жаҳон банки <https://www.worldbank.org/en/topic/disability/#1>; Ногиронлик бўйича жаҳон ҳисоботи, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, ISBN 978 92 4 068521 5 (PDF), 29-б. Электрон манбаа: https://www.who.int/disabilities/world_report/2011/report.pdf (Мурожаат санаси: 15.05.2025).

² 2025 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республика бўйича 1 058 601 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатда турибди. Бу 2024 йил бошига нисбатан 40 минг нафарга яқин ўсишни англатади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий кўрсаткичи 10 минг аҳолига нисбатан 269,2 нафарни ташкил этмоқда (2024 йилда 260,2 нафар).

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаати, 2021 йил 3 декабрь. Электрон манбаа: <https://president.uz/uz/lists/view/4802> (Мурожаат санаси: 15.05.2025).

тақдимнома киритилган, 136 нафар мансабдор шахс интизомий, 39 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 2,7 млрд сўмлик зарарнинг ихтиёрий қопланиши таъминланган, 16 нафар мансабдор шахс қонунларни бузмаслик ҳақида огоҳлантирилган. Шунингдек, қўпол қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан 25 та жиноят иши қўзғатилган, 1.734 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Бундан ташқари, ушбу соҳада прокуратура органлари томонидан 2022-2024 йилларда ўтказилган текширишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, текшириш сони 145 тадан (2022) 87 тагача (2024) 40% га камайганига қарамай, қонун бузилишлари фақат 20% га (1041→832) қисқарган – бу профилактик чораларнинг етарли самарасизлигини ва қонунбузарликларнинг тизимли характерда сақланиб қолмоқда. Шунингдек, протестлар сони 45 тадан 37 тага (–18%) камайган бўлса-да, улар билан бекор қилинган ҳужжатлар 40 тадан 29 тага (–27,5%) тушиб, протестларнинг амалий натижадорлиги пасайганини билдиради. Мазкур кўрсаткичлар прокурор назорати самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқот ишларини олиб бориш заруратини кўрсатади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда¹, деб билдирилган фикр ҳам мазкур соҳани илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги (2020) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) фармони, “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (2023), “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (2024), “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (2025) қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаати, 2021 йил 3 декабрь. Электрон манбаа: <https://president.uz/uz/lists/view/4802> (Мурожаат санаси: 15.05.2025).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ амалга оширилган изланишларни куйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

биринчидан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига доир концептуал ғоялар давлат раҳбари Ш.Мирзиёев асарларида ёритиб берилган¹;

иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига оид умумий назарий-ҳуқуқий жиҳатлар М.Аминжонова, Р.Жаворонков, Ш.Исмоилов, Л.Исоқов, М.Мамасиддиқов, Б.Мунавваров, А.Саидов, М.Тиллабаев, М.Усмонова, А.Юсупов, Е.Яковлева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган;

учинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва прокурор назоратининг айрим ўзига хос жиҳатлари В.Бессарабов, Д.Ибрагимов, Н.Иголина, А.Комилов, Т.Лыхина, О.Мадалиев, А.Одинаев, А.Паламарчук, Б.Пўлатов, Ф.Рахимов, Н.Субанова, Е.Синельщикова ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган². Ушбу олимларнинг айримлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва/ёки прокурор назоратига оид илмий-назарий муаммони муайян давлатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўрганган бўлсалар, бошқалари мазкур муаммони ўз тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мавзуси алоҳида монографик тадқиқот сифатида олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш” илмий тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тушунчаларини илмий тадқиқ этиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини тавсифлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар мазмун-моҳиятини очиб бериш;

¹ Мазкур асарлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

² Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

прокуратура органларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий механизмларини ўрганиш;

хорижий мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурорлик фаолиятининг хусусиятларини киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назоратини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига ҳуқуқий баҳо бериш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурорлик фаолиятини ўрганиш орқали уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш масалаларига оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концепциялар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари киёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тизимли-тузилмавий, социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмперик тадқиқот, статистик маълумотлар таҳлили ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида назорат тадбирларининг барча босқичларида шаффофлик ва уларни изчил кузатиб бориш, текширувларни марказлашган тарзда юритиш орқали қонунларга қатъий риоя этилиши устидан мониторинг олиб боришни таъминловчи “Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri” ахборот тизимини жорий этиш асослантирилган;

ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан бепул психологик ёрдам кафолатланиши, шунингдек психологнинг касбий сирини психологик ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор этишга терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, тергов органларининг, прокуратуранинг ва суднинг ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан ёзма сўрови бўйича йўл қўйилиши мумкинлиги исботланган;

ногиронлиги бўлган болалар, шу жумладан руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар тоифасидан бири сифатида ҳисоблаш лозимлиги асослантирилган;

ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш Бош прокуратуранинг Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида

қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг асосий вазифалардан бири этиб белгилаш шартлиги асослантирилган;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда прокуратуранинг имкониятларини оширишга хизмат қиладиган прокуратуранинг назорат функциясини фақат формал ҳисоботлар билан чекламасдан, балки кенг камровли ахборот асосида амалга ошириш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқини таъминлашга оид муҳим тушунчалар бўйича муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назорати муаммоларининг вужудга келиши сабаб ва омиллари таҳлил қилиниб, соҳага оид хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Ўзбекистон Республикасига хос хусусиятлари, йўналишлари ва ривожланиш омиллари яхлит тарзда ўрганилган;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назорати уч асосий элемент билан тавсифланиши асослантирилган;

прокурор назорати тадбирлари қаторига “мониторинг ўтказиш” тадбирини киритиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар асослантирилган;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилиш устидан назорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш зарурлиги асослаб берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Республикамиз бўйича 2023-2025 йилларда барча вилоятлар кесимида ногиронликни белгилаш, бекор қилиш, ўзгартириш ва тиббий комиссияларда ўзлаштириш ва растрата билан боғлиқ қўзғатилган 54 та жиноят ишлари чуқур таҳлил қилинган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг хорижий ва миллий механизмлари юзасидан илмий изланишлар олиб боришда, қонун ижодкорлигида, инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, “Прокурор назорати” ва “Инсон ҳуқуқлари” каби

фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, Ўзбекистонда “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” фанини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда уларга шарҳлар тайёрлашда, юридик факультетлар талабалари учун ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда “Прокурор назорати”, “Инсон ҳуқуқлари” ва “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” каби модулларнинг маъруза ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига доир олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида назорат тадбирларининг барча босқичларида шаффофлик ва уларни изчил кузатиб бориш, текширувларни марказлашган тарзда юритиш орқали қонунларга қатъий риоя этилиши устидан мониторинг олиб боришни таъминловчи “Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri” ахборот тизимини жорий этиш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-204-сон фармони билан тасдиқланган “Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясининг 2-боби 7-хатбошиси ва 4-боби 4.3-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 24 ноябрдаги 27/2-231-25-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида назорат тадбирларининг барча босқичларида шаффофлик ва уларни изчил кузатиб бориш, текширувларни марказлашган тарзда юритиш маълумотларнинг ишончли сақланиши ва ўзгармаслигини таъминлаш орқали прокурор назоратини соддалаштиради ҳамда коррупция хавфини камайтиради;

ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан бепул психологик ёрдам кафолатланиши, шунингдек психологнинг касбий сирини психологик ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор этишга терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, тергов органларининг, прокуратуранинг ва суднинг ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан ёзма сўрови бўйича йўл қўйилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-989-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9- ва 17-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2025 йил 10 ноябрдаги 04/9-10/15-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ногиронлиги бўлган шахсларга давлат кафолатида психологик ёрдамни таъминлаш ва психологик сирнинг фақат қонуний процессуал талаблар билан чекланган ҳолда ошкор этилишини белгилаб, шахс ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилишга хизмат қилади;

ногиронлиги бўлган болалар, шу жумладан рухий ва жисмоний ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар тоифасидан бири сифатида ҳисоблаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги ЎРҚ-996-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12, 27 ва 38-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2025 йил 10 ноябрдаги 04/6-08-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ногиронлиги бўлган болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг оширилган хавф гуруҳи сифатида аниқ белгилаб, уларга нисбатан махсус профилактика, эрта аниқлаш ва таъминот чораларини қонунан қафолатлашга хизмат қилади;

ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш Бош прокуратуранинг Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг асосий вазифалардан бири этиб белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2024 йил 10 октябрдаги 298-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандининг 9-хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 19 августдаги 07/22/25-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини кучайтиришга хизмат қилади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда прокуратуранинг имкониятларини оширишга хизмат қиладиган прокуратуранинг назорат функциясини фақат формал ҳисоботлар билан чекламасдан, балки кенг қамровли ахборот асосида амалга ошириш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 04/5-08/23-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти тўғрисида прокуратурага кенг қамровли ва тизимли ахборот тақдим этилишини таъминлаб, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (3 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 1 та рисола, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия

этилган журналларда 14 та илмий мақола, шундан 12 та миллий ва 2 та хорижий журналларда, конференцияларда 5 та, шундан 2 та миллий, 3 та халқаро мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 8 та параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, унда “ногиронлиги бўлган шахслар” ва “ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш” тушунчаларининг юридик табиати, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг тавсифи билан боғлиқ масалаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари ўрганилган.

Ушбу бобнинг *“Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тушунчаларининг юридик табиати”* деб номланган биринчи параграфида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш муаммоси жаҳон ҳуқуқий ва ижтимоий тараққиёти нуктаи назаридан таҳлил этилиб, диссертант томонидан мазкур масала инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилган. Тадқиқот ишида ногиронлик нафақат тиббий ёки физиологик ҳолат сифатида, балки жамиятдаги тўсиқлар, инфратузилмавий мослашмаган муҳит ва камситиш ҳолатларининг ижтимоий натижаси сифатида баҳоланган. Диссертант халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларига, хусусан, 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга таянган ва ушбу ҳужжатнинг “ногиронлик” атамасига берган таърифини миллий қонунчилик билан таққослаган. Шу орқали у “ногирон” тушунчасидан фарқли равишда *“ногиронлиги бўлган шахс”* иборасининг инсон қадрини таъминлаш ва камситишсиз муносабатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашдаги аҳамиятини илмий асосда ёритиб берган. Диссертантнинг фикрича, ногиронликка оид давлат сиёсати

инсонпарвар, инклюзив ва ҳуқуққа йўналтирилган ёндашувни талаб этади, бу эса фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ўз ифодасини топиши зарур.

Диссертант Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиш босқичларини таҳлил қилган. Тадқиқот ишида 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун миллий ҳуқуқий тизимдаги илк муҳим қадам сифатида баҳоланиб, унинг ўрни ва мазмуни ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнидаги аҳамияти нуқтаи назаридан ёритилган. Шу билан бирга, диссертант 2020 йилда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунни илмий таҳлил қилиб, ундаги асосий янги қоидаларни халқаро стандартлар билан уйғунлик нуқтаи назаридан баҳолаган. Тадқиқот натижаларига кўра, миллий қонунчиликда тиббий мезонларга ортиқча эътибор қаратилиб, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлар етарли даражада ифода этилмагани қайд этилган. Диссертант бу ҳолатни бартараф этиш учун ногиронликни фақат тиббий мезонлар асосида эмас, балки инсон ҳуқуқларига асосланган ижтимоий модель асосида баҳолаш зарурлигини илмий асослаб берган.

Ушбу параграфда диссертант халқаро ҳуқуқий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги умумжаҳон тенденцияларини ёритган. Тадқиқот ишида БМТ, ЖССТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро институтлар томонидан ишлаб чиқилган қоидалар ва стандартлар қиёсий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Диссертант “ногиронликни ижтимоий муаммо сифатида кўриш” концепциясининг ҳуқуқий моҳиятини очиқ берар экан, давлатлар зиммасига юклатилган мажбуриятлар, яъни тўсиқсиз муҳит яратиш, ижтимоий инфратузилмани мослаштириш, камситиш ҳолатларини олдини олиш ва тенг имкониятларни таъминлаш вазифаларини таҳлил этган. Унинг фикрича, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши давлатнинг инсон ҳуқуқларига асосланган сиёсий йўналишини белгилайди ва демократик бошқарувнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Диссертация ишида муаллиф илмий полемик ёндашув орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси соҳасидаги турли назарий қарашларни чуқур таҳлил қилган. У Е.Азарова, С.Бразевич, С.Джалилов, Ф.Камилов, Б.Мунавваров, А.Юсупов ва Ҳ.Холиқулова каби олимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя ҳақидаги назарий фикрларига таянган, шунингдек, Б.Пўлатов, М.Рустамбаев, Д.Ибрагимов ва А.Джураеваларнинг прокурор назорати соҳасидаги илмий ишларини қиёсий таҳлил қилган. Диссертант инсон ҳуқуқларини “таъминлаш” тушунчасини академик А.Х.Саидов, Ю.Анохин ва Л.Исоқов таърифлари асосида қайта кўриб чиқиб, ушбу категория фақат ҳуқуқий кафолатларни эмас, балки моддий, ташкилий ва маъмурий механизмларни ҳам қамраб олиши кераклигини илмий асослаб берган. Тадқиқот ишида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлиги прокурор назорати тизимининг амалий

фаолияти, давлат кафолатлари ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг уйғунлиги билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келинган.

Мазкур бобнинг *“Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг шаклланиши ва ривожланиши”* деб номланган иккинчи параграфида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоясининг тарихий эволюцияси илк цивилизациялардан тортиб замонавий ҳуқуқий тизимларга қадар давлат мажбурияти ва унинг ижроси устидан назорат механизмлари билан узвий боғлиқ ҳолда илмий таҳлил қилинган. Диссертант ногиронликка нисбатан муносабатни фақат ижтимоий ёки фалсафий феномен сифатида эмас, балки давлат томонидан ҳуқуқий мажбуриятларнинг шаклланиши ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш зарурати нуқтаи назаридан баҳолайди.

Қадимги давлатлар ҳуқуқий тизимлари мисолида (Хаммурапи қонунлари, «Авесто», Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асари, Афлотун ва Арастунинг қарашлари, Қадимги Рим, Юнонистон ва Миср тажрибалари) ногиронликка нисбатан ёндашувлар таҳлил қилиниб, мазкур муносабатларнинг маданий, диний ва ижтимоий омиллар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асосланган. Шу билан бирга, ушбу даврлардаги хайрия, жамоавий ёки диний ғамхўрлик шакллари ҳуқуқий мажбурият ва давлат назорати билан таъминланмагани, бу эса ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатли ҳимоясига тўсқинлик қилгани кўрсатиб берилган. Диссертант В. Мьяенянкин ва М. Расселнинг ногиронликни фақат иқтисодий ёки умумий хавфсизлик нуқтаи назаридан талқин қилган қарашларига танқидий ёндашиб, ушбу феноменни ҳуқуқий мажбурият ва давлат назоратининг етишмаслиги билан боғлиқ ҳолда кенгроқ тушунтирган. Бироқ Ислом ҳуқуқи доирасида закот, садақа ва вақф институтлари ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилган бўлса-да, ушбу механизмлар давлат томонидан ҳуқуқий назорат билан таъминланмагани сабабли барқарор ва кафолатли ҳимояни таъминлай олмагани асосланган. Амир Темур давлатидаги ижтимоий фармонлар, уларнинг ижроси устидан амалга оширилган назорат механизмлари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги давлат қарорларининг бажарилиши устидан назорат ғоясининг шакллана бошлаганини кўрсатиб, бу ҳолат прокурор назоратининг тарихий-функционал илдизлари сифатида баҳоланган.

Маърифат ва эрта модерн давридаги фалсафий ҳамда институционал ўзгаришлар таҳлил қилиниб, ногиронлик масаласидаги рационал ва гуманистик ёндашувлар давлат томонидан махсус муассасаларни ташкил этишга олиб келгани, аммо ушбу муассасалар фаолияти устидан самарали ҳуқуқий назоратнинг мавжуд эмаслиги инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилишига сабаб бўлгани кўрсатилган. Жон Локк ва Жан-Жак Руссонинг қарашлари, Мишель Фуко ва Рой Портернинг “институтлашув” назариялари танқидий таҳлил қилиниб, прокурор назорати каби ташқи давлат назорати механизми бўлмаган шароитда институтлашув инсон қадрини ҳимоя қилишга қодир эмаслиги илмий жиҳатдан асосланган. Пинельнинг “moral treatment”

ғояси инсонпарвар ёндашув сифатида баҳоланган бўлса-да, унинг амалда назоратсиз муассасалар доираси билан чеклангани таъкидланган.

Саноат инқилоби ва капиталистик муносабатлар ривожидаврида ногиронликка нисбатан иқтисодий самарадорлик мезонлари устувор бўлгани, Ленард Дэвис ва Марта Расселнинг қарашлари мисолида таҳлил қилиниб, диссертант ушбу ёндашувларнинг ҳуқуқий жиҳатдан чекланган эканлигини кўрсатган. XIX асрдаги Англия тажрибаси, “Poor Law Amendment Act” ҳамда жаҳидчилик ҳаракати мисолида ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ташкилий шакллари пайдо бўлгани, бироқ уларнинг самарадорлиги айнан ҳуқуқий назорат ва ижро механизмларининг етишмаслиги билан чеклангани асосланган. Диссертант умумий хулоса сифатида ногиронликка нисбатан муносабатнинг тарихий эволюцияси давлат томонидан ҳуқуқий тан олиш, мажбуриятларни белгилаш ва уларнинг ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш заруратини юзага келтирганини, бу эса замонавий шароитда прокурор назорати ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий институционал қафолатларидан бири сифатида шаклланганини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Биринчи бобнинг *“Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг тавсифи”* деб номланган сўнгги параграфида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг мазмун-моҳияти, унинг объект ва предмети, шунингдек, назорат доираларини илмий жиҳатдан асослаш масалалари тадқиқ этилган. Диссертант томонидан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари жамият ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилаётгани мазкур соҳада прокурор назоратини такомиллаштириш зарурлигини аниқлаштириш таъкидланган. Муаллиф ушбу назоратни илмий жиҳатдан тавсифлаш учун қонунчилик нормалари билан бир қаторда амалдаги таҳлил натижаларига таянган, шу орқали прокуратура органлари фаолиятини фақат оператив эмас, балки профилактик ва тизимли ҳуқуқий таъсир чораларини қамраб оладиган тарзда қайта кўриб чиқиш зарурлиги илгари сурилган.

Диссертант прокурор назоратининг мазмуни ва предмети юзасидан ҳуқуқшунос олимлар билан илмий баҳсга киришган. Жумладан, Е.Коленко, Д.Ибрагимов, М.Рустамбаев, Б.Коробейников, Ю.Винокуров, А.Комилов, Б.Пўлатов ва В.Бессарабов каби олимларнинг қарашлари чуқур таҳлил қилинган ва уларнинг таърифларига танқидий ёндашилган. Муаллиф А.Комилов томонидан илгари сурилган таърифни энг тўлиқ деб баҳолаган, чунки у прокурор назоратини фақат қонун бузилишларини аниқлаш билан чекламай, балки уларнинг олдини олишни ҳам қамраб оладиган жараён сифатида кўрган. Шу билан бирга, диссертант Б.Пўлатовнинг прокурор назорати предмети давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунларга мувофиқлигини таъминлаш билан боғлиқ, деган илмий ғояларини ҳам назарий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган.

Тадқиқотда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 23 ва 24-моддалари асосида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан

прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари, объектлари ва ваколат доираси аниқланган. Диссертант прокурор назоратини тавсифловчи, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини белгилаш ҳамда аниқланган бузилишларни бартараф этишни таъминлайдиган ҳуқуқий чораларни қўллаш каби учта асосий элементни ажратиб кўрсатган. Муаллиф томонидан прокурор назорати тадбирлари каторига “мониторинг ўтказиш” фаолиятини киритиш, қонунбузилиш ҳолати аниқланганда прокурор томонидан зудлик билан талабнома киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш таклиф этилган. Бу орқали прокуратура фаолиятининг ижтимоий назорат ва жамоатчилик билан ўзаро таъсирини кучайтириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг амалий йўналишлари, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, маҳаллий бошқарув ва меҳнат (бандлик) соҳаларидаги қонунчилик ижросини текшириш механизмлари илмий асосда ишлаб чиқилган. Диссертант назорат жараёнида соҳавий мутахассисларни жалб этиш зарурлигини, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш тартиби ва таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорлар ваколатларининг муҳим ўрнини асослаб берган. Ушбу ёндашув прокурор назоратини формал текширув эмас, балки ҳуқуқий кафолатларни ҳаётга татбиқ этувчи самарали механизм сифатида намоён этишга қаратилган. Натижада, диссертациянинг ушбу қисмида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш учун илмий-назарий ғоялар ва амалий тавсиялар тизимли равишда илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий ва халқаро амалиётнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили”**га бағишланиб, унда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар, прокуратура органлари фаолиятининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги асосий йўналишлари, хорижий мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурорлик фаолиятининг хусусиятлари каби масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг *“Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назоратини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари”* деб номланган биринчи параграфида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва институционал асослари, шунингдек прокуратура органларининг мазкур жараёндаги ўрни ва назорат функцияларини такомиллаштириш зарурати илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Диссертант томонидан ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий база кенг қамровда таҳлил қилиниб, қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, миллий стратегиялар ҳамда халқаро мажбуриятлар, жумладан БМТнинг *“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”*ги Конвенциясидаги талаблар билан уйғунлик масалалари очиб

берилган. Янги таҳрирдаги Конституцияда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини давлат ҳимоясида эканлиги ҳақидаги норма мазкур йўналишдаги ҳуқуқий кафолатларнинг мустаҳкамланганидан далолат бериши таъкидланган. Шунингдек, давлат сиёсатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш устувор йўналиш сифатида белгилангани қайд этилган.

Шу билан бирга, диссертант ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишидаги тизимли муаммолар, хусусан, қонунларни қўллашдаги бир хиллик етишмаслиги, идоралар фаолиятидаги мувофиксизлик ва қонун талабларига тўлиқ риоя этилмаслигига алоҳида эътибор қаратган. Бу ҳолат прокуратура органлари олдида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича янги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқараётгани илмий асослантилган.

Тадқиқот иши доирасида прокурор назоратининг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича бир қатор олимлар билан полемика юритилган. Хусусан, профессор Б.Пўлатовнинг прокурор назоратини фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим механизми сифатида баҳолаши, В.Бессарабовнинг вазифаларни аниқ қўйиш ҳақидаги фикрлари, Э.Барсегованинг ресурслардан самарали фойдаланиш зарурати тўғрисидаги мулоҳазалари ва Ш.Раҳимовнинг ташкилотчилик талабларига оид қарашлари билан илмий мунозарага киришилган. Шунингдек, А.Винокуров ва Д.Ибрагимовларнинг прокурор назорати амалиётига оид илмий хулосалари танқидий таҳлил этилиб, уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолашдаги мезонлар тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган. Диссертант томонидан мазкур соҳадаги ҳуқуқий мониторингни тизимли равишда йўлга қўйиш, прокуратура томонидан ҳар чоракда камида икки маротаба назорат тадбирларини амалга ошириш ҳақидаги таклиф илмий асосланган ва амалда қўлланилиши мумкин бўлган чора сифатида баҳоланган.

Тадқиқотда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назоратининг ташкилий ва амалий механизмлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бунинг учун диссертант томонидан соҳадаги текширишлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги, “Тиббий-ижтимоий экспертиза тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилиш таклиф этилган. Текширишнинг мақсади сифатида ногиронликни белгилаш, тиббий ва реабилитация хизматлари самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан қонуний назоратни таъминлаш белгиланган. Илмий хулоса сифатида, прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш учун “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилиш устидан назорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ва “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги Бош прокурор буйруқларини қабул қилиш таклифи илгари сурилган бўлиб, у ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган прокурорлик фаолиятини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан

такомиллаштиришнинг илмий асосланган йўналиши сифатида баҳоланган. Жумладан, ўтказилган ижтимоий сўровда 156 нафар респондент иштирок этган ва уларнинг 80 фоизидан зиёди мазкур буйруқларнинг қабул қилиниши прокуратура органлари ходимларининг фаолиятига ижобий самара кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаган.

Бундан ташқари, диссертант ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш устидан прокурор назоратининг устувор йўналишлари сифатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат каби жами 7 та йўналишни ажратиб кўрсатган.

Диссертантнинг фикрича, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари таъминланиши устидан прокурор назорати аҳволини қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, соҳада қонунийлик аҳволининг чуқур таҳлил қилинмаслиги, юзаки прокурор текширувларининг ўтказилиши, қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тезкорлик билан назорат ҳужжатларининг қўлланилмаслиги, ваколатли давлат бошқаруви органлари билан интеграциялашган ягона ахборот базасининг мавжуд эмаслиги, тезкор ходимларда соҳага доир махсус билимларнинг етишмаслиги, соҳавий назорат учун алоҳида институционал асоснинг мавжуд эмаслиги каби омил ва сабабларни соҳада прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигига салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилиш устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги махсус соҳавий буйруғини қабул қилиш, Бош прокуратуранинг “Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси” таркибида алоҳида “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат” бўлимини ташкил этиш зарур, деган хулоса илгари сурилган.

Ушбу бобнинг *“Прокуратура органларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги асосий механизмлари”* номли иккинчи параграфида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура органларининг иштироки ва уларнинг фаолиятининг асосий йўналишлари илмий асосда ёритилган. Диссертант томонидан прокурор назоратининг моҳияти фақат ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш билан чекланмасдан, балки фуқароларнинг, хусусан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли тизим сифатида таҳлил этилган. Илмий тадқиқотда прокуратуранинг фуқаролик ва маъмурий судларда ишда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари, процессуал мақоми, тавсиявий хулосаларнинг аҳамияти ва уларнинг давлат манфаатларини ифодалашдаги ўрни кенг ёритилган. Шу билан бирга, прокуратуранинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдаги роли ҳам мустақил йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Диссертант ўз тадқиқотида Т.Маслова, А.Мельников, М.Шакарян, Д.Чечот, Ю.Корулина, Л.Ванеева, Т.Сахнова, Е.Лупарев, М.Добробаба, Т.Мокина каби олимлар билан илмий баҳсга киришган ҳолда, прокурорнинг суддаги мақоми ва ижтимоий масъулиятига доир турли илмий ёндашувларни таҳлил қилган. Ушбу муҳокамаларда прокурорнинг “даъвогар” сифатидаги иштироки, унинг фаолиятининг давлат ва жамият манфаатларига йўналтирилганлиги, шунингдек, адолат қарорларини таъминлашдаги аҳамияти асосланган. Диссертант мазкур фикрлардан келиб чиқиб, прокурор фаолиятининг ҳуқуқий табиати фақат процессуал вазифалар билан чекланмасдан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларни ижтимоий интеграцияга жалб этишга қаратилган бўлиши кераклигини илгари сурган.

Муаллифнинг фикрича, прокуратура органлари ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фақат суд механизмига таяна олмайди, балки ҳуқуқий тарғибот, профилактика ва жамоатчилик билан мулоқот орқали самарали таъсир кўрсатиши зарур. Диссертант бу борада М.Маматов ва А.Паламарчукнинг прокурорлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги фикрларига қўшилиб, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда радио, телевидение ва интернетнинг ўрнини алоҳида таъкидлаган. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳуқуқий маълумотлар ва маслаҳат хизматларининг етарли эмаслиги, уларнинг прокуратурага мурожаат даражасига салбий таъсир кўрсатаётгани илмий жиҳатдан асосланган. Диссертант назарида ҳуқуқий тарғибот прокуратуранинг профилактик фаолиятининг ажралмас қисми сифатида қонунчиликда мустақил функция сифатида мустаҳкамланиши лозим.

Шунингдек тадқиқотда ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тизими, электрон ва шахсий қабулларнинг аҳамияти, прокуратура биноларининг инклюзив муҳит талабларига жавоб бермаслиги каби масалалар ҳам таҳлил этилган. Диссертант томонидан келтирилган статистик маълумотлар асосида фуқароларнинг прокуратурага бўлган ишончи ошгани, аммо ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлиги ҳамон тизимли муаммо эканлиги кўрсатилган. Ушбу илмий таҳлил натижасида прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот-коммуникация механизмларини такомиллаштириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш мумкинлиги илмий асосланган ҳолда ҳулоса қилинган.

Иккинчи бобнинг *“Хорижий мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурорлик фаолиятининг хусусиятлари”* деб номланган якуний параграфида хорижий мамлакатлар тажрибасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг институционал ва ҳуқуқий хусусиятлари илмий таҳлил қилинган. Диссертант халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни назарда тутган ҳолда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида прокуратуранинг роли ва функцияларини қиёсий таҳлил асосида ёритган. Бу йўналишда у халқаро

тажрибанинг илғор моделларига мурожаат этган ҳолда, прокуратуранинг жиноят ҳукуқи доирасидан ташқаридаги фаолиятини инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим институти сифатида баҳолаган. Тадқиқотчининг фикрича, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишда прокурор назорати фақат ҳуқуқий текширув билан чекланмай, балки тенг имкониятлар яратиш ва камситишни олдини олиш каби ижтимоий мақсадларга ҳам қаратилган бўлиши лозим.

Диссертант мазкур илмий изланишда Е.Князева, Н.Авазов, А.Матмуротов, О.Мамадалиев, С.Абдрахманова ва А.Канатов каби олимлар билан илмий полемикага киришиб, прокуратура институтини турли давлатлардаги тузилиши ва функциялари асосида таснифлашнинг илмий асосларини таҳлил қилган. У Е.Князева томонидан илгари сурилган “прокурорлик фаолиятининг ягона намунавий тизими мавжуд эмас” деган фикрни қўллаб-қувватлаб, бу қарашни турли ҳуқуқий анъаналардаги амалиёт билан асослаб берган. Шу билан бирга, диссертант О.Мамадалиевнинг икки йўналишли тасниф, яъни қонунлар ижроси устидан назорат ва жиноий таъкиб функцияларини амалий жиҳатдан самарали ёндашув сифатида эътироф этган. Муаллиф бу орқали прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги вазифалари ва ваколатларини янада аниқлаштиришга интилган.

Тадқиқотнинг асосий илмий натижаси сифатида хорижий мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолияти турли институционал моделлар асосида ташкил этилгани, лекин уларнинг барчасини инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш мақсади бирлаштириши ҳақидаги хулоса илгари сурилган. Венгрия, Испания, Молдова, Вьетнам, Гватемала, Бразилия, Япония, Хитой, Германия, Франция, Австрия, Исроил ва АҚШ тажрибалари орқали прокурор назоратининг қонунийликни таъминлаш, адолатли судловга кўмаклашиш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясини рағбатлантиришдаги ўрни таҳлил этилган. Бу жараёнда Европа Кенгашининг “Прокуратуранинг жиноят ҳукуқи доирасидан ташқаридаги роли тўғрисида”ги тавсиялари ва Вазирлар Қўмитаси ҳужжатлари халқаро меъёрий асос сифатида тилга олинган.

Бу борада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон учун амалий хулосаларга ҳам келган. Хусусан, у ривожланган мамлакатлардаги илғор моделлар, жумладан, Германиядаги федерал вакил институти, Франциядаги Ҳуқуқлар ҳимоячиси (*Défenseur des droits*), Австриядаги ногиронлар бўйича омбудсман ва АҚШдаги федерал прокурорлик амалиётини миллий тизимда қўллаш мумкинлигини таъкидлаган. Муаллиф фикрига кўра, Ўзбекистонда прокурор назоратини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустақил ва самарали институти сифатида такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг профилактик ва мониторинг функцияларини кучайтириш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

Бу борада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон учун амалий хулосаларга ҳам келган. Хусусан, у ривожланган мамлакатлардаги илғор моделлар, жумладан, Германиядаги федерал вакил институти, Франциядаги Ҳуқуқлар ҳимоячиси, Австриядаги ногиронлар бўйича омбудсман ва АҚШдаги федерал прокурорлик амалиётини миллий тизимда қўллаш мумкинлигини таъкидлаган. Муаллиф фикрига кўра, Ўзбекистонда прокурор назоратини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустақил ва самарали институти сифатида такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг профилактик ва мониторинг функцияларини кучайтириш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда прокурорлик фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланиб, унда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурорлик фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назорати билан боғлиқ муаммолар, назорат ҳужжатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг *“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар”* деб номланган биринчи параграфида диссертант халқаро ҳуқуқ тизимида инсон қадри ва тенглик принципларига асосланган ҳолда ногиронлик масаласининг жаҳон ҳамжамияти кун тартибига кириши, БМТ доирасидаги дастлабки ташаббуслардан тортиб, 2006 йилда қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциягача бўлган босқичларни илмий таҳлил этган. Тадқиқот ишида 1946 йилдаги Ижтимоий комиссия фаолиятдан бошланган ижтимоий реабилитация ғояларининг босқичма-босқич инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир универсал нормаларга айланиши таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи халқаро сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида талқин этилган.

Диссертант ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро даражада ҳуқуқий муҳофаза қилишдаги асосий босқичлар, яъни 1971 ва 1975 йиллардаги декларациялар, 1982 йилдаги Бутунжаҳон ҳаракат дастури ва 1993 йилдаги Стандарт қоидалар орқали инсон ҳуқуқлари ва ногиронлик ўртасидаги боғлиқликни изчил асосда ёритган. Бу жараёнда халқаро ҳамжамиятнинг тиббий моделдан ижтимоий ва ҳуқуқий моделга ўтишини таъкидлаб, ногиронликни жисмоний нуқсон эмас, балки муҳит ва муносабат тўсиқларининг натижаси сифатида талқин қилиш илмий асосланган. Мазкур ёндашувнинг энг муҳим жиҳати сифатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда тенг иштирок этиш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ имкониятларга эга бўлиш ҳуқуқлари эътироф этилган.

Муаллифнинг қайд этишича, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция халқаро ҳуқуқда инклюзивлик ва инсон қадрини ҳурмат қилиш принципнинг институционал мустаҳкамланишидир. Диссертант ушбу Конвенциянинг инсонга хос кадр-қиммат, камситмаслик, тенг имкониятлар, фаол иштирок, тўсиқсиз муҳит ҳамда эркак ва аёллар тенглиги каби саккизта асосий принципларни таҳлил қилиб, уларнинг миллий ҳуқуқ тизимларига татбиқ этилиш йўналишларини белгилаб берган. Шунингдек, “қўллаб-қувватланган қарор қабул қилиш” (supported decision-making) модели инсон мустақиллигини сақлаб қолиш ва ҳомийлик тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий ҳуқуқий механизми сифатида баҳоланган. Бу модель орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг муомала лаёқатини чеклаш амалиётидан фарқли равишда, уларнинг ҳуқуқий субъектлиги ва қарор қабул қилишдаги мустақиллиги таъминланиши назарда тутилган.

Муаллиф халқаро даражадаги мутахассислар Ж.Куинн, Т.Минкович ва П.Аппелбаум каби мутахассислар билан илмий баҳс-мунозарага киришиб, хусусан, Куинннинг ҳомийлик тизимини инсон ҳуқуқларига зид деб баҳолаган фикри қўллаб-қувватланиб, Аппелбаумнинг тиббий экспертизага асосланган ёндашувига танқидий муносабат билдирилган. Тина Минковичнинг муомала лаёқатини чеклашни “инсон мустақиллигига нисбатан зўравонлик” деб баҳолаган нуқтаи назарини диссертант қисман баҳс остига олган ҳолда, ушбу муаммонинг ечими сифатида индивидуал ёндашув ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни илгари сурган. Шу тариқа, параграф халқаро ҳуқуқий стандартлар, илмий баҳслар ва амалдаги тажрибаларни уйғунлаштирган ҳолда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг концептуал ва амалий асосларини изчил равишда очиб берган.

Тадқиқот ишининг *“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”* деб номланган сўнгги параграфида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги асосий муаммолар ҳамда уларни бартараф этишда прокурор назоратининг аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Диссертант мамлакатдаги ногиронлик даражаси, аҳолининг ёш ва ҳудудий кесимидаги тақсимооти, шунингдек ижтимоий ҳимоя масалаларига оид илмий-статистик маълумотлар асосида таҳлилни амалга ошириб, ногиронлиги бўлган шахслар сонининг кўпайиши билан прокуратура органларининг масъулияти ҳам ортиб бораётганлигини асослаб берган. Бу жараёнда прокуратура органлари фаолиятининг қонун устуворлигини таъминлаш ва “Халқ прокуратураси” тамойили асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасига айланиши таъкидланган. Муаллиф илмий таҳлил жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича прокуратура назоратининг ҳуқуқий ва амалий асосларини очиб берган.

Диссертант Ф.Раҳимов каби ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига қўшилиб, айниқса прокуратура органлари фаолиятининг икки йўналиши, жумладан, назорат билан боғлиқ ва назоратсиз функцияларига оид илмий

мулоҳазаларни таҳлил қилган. Ушбу илмий баҳс доирасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашдаги прокурор назоратининг алоҳида йўналиш сифатида шакллангани ва унинг ҳуқуқий табиати илмий асосда ёритилган. Шу орқали диссертант прокурор назоратининг бу соҳадаги самарадорлигини ошириш учун унинг институционал механизмларини такомиллаштириш зарурлигини илгари суради. Бу фикрлар, ўз навбатида, жаҳон тажрибасидаги ижтимоий адолат ва тенглик тамойиллари билан уйғун ҳолда кўриб чиқилган.

Тадқиқот ишида Бош прокуратуранинг 2023-2025 йилдаги амалиёт натижалари илмий таҳлил қилинган. Хусусан, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун ижроси бўйича прокурор назорати жараёнида аниқланган қонунбузилишлар, жиноят ишлари, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳолатлари мисолида соҳадаги тизимли муаммолар кўрсатиб берилган. Диссертантнинг илмий хулосаларига кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий хизматларнинг мувофиқлашмаганлиги, идоралараро маълумот алмашинуви тизимининг йўқлиги, болаларга ногиронликни кеч белгилаш ва “Д” назорат тизимининг самарасизлиги соҳадаги асосий муаммолар сифатида баҳоланган. Бу ҳолатлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашдаги бўшлиқларни фош этиб, прокуратура органларининг назорат фаолиятини чуқур ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида прокуратура органлари томонидан аниқланаётган қонунбузарликлар таснифланган. Аниқланишича, мазкур назорат йўналишида тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятида ҳужжатларни сохталаштириш, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби жиддий қонун бузилиши ҳолатлари кўплаб аниқланмоқда. Ўз навбатида, бу – масъул ваколатли органлар фаолияти устидан тизимли назорат тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни тақозо қилади. Шу боис, тадқиқотчи ушбу назорат йўналишида ўтказиладиган текширишнинг намунавий режасини ишлаб чиққан. Унда текширув объектлари, текширувга жалб қилинадиган мутахассислар ҳамда текширув жараёнида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар ўз аксини топган.

Диссертантнинг фикрича, бу соҳадаги самарали назорат нафақат ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки уларнинг олдини олиш, тизимли профилактик механизмларни йўлга қўйиш орқали амалга оширилиши лозим. Илмий ишда келтирилган статистик маълумотлар, таҳлиллар ва амалиёт натижалари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимояси соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш учун аниқ илмий асос яратган. Шу билан бирга, диссертант томонидан прокуратура органларининг ижтимоий масъулияти, инсонпарварлик тамойили ва фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашдаги роли чуқур назарий ва амалий асосда ёритилган.

ХУЛОСА

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация якуни бўйича назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштириш масалаларига оид илмий-назарий билимларни бойитишга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

1. Илмий ишда “ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг предмети”, “ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг объекти” тушунчалари концептуал ва методологик жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидаги муаллифлик таърифлари шакллантирилди:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг предмети – ногоиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунларнинг ижроси прокуратура органлари томонидан назорат қилинадиган органлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши, ногоиронлиги бўлган шахсларга доир қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлиги;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг объекти – қонунчилик билан қатъий белгиланган ҳуқуқни қўлловчи ва қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари;

2. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратини тавсифловчи уч асосий элемент қуйидагилардан иборат:

- ногоиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини ўз вақтида тўлиқ аниқлаш;

- ногоиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш;

- аниқланган қонунбузарликларнинг бартараф қилинишини ҳақиқатда таъминлайдиган комплекс ҳуқуқий таъсир чораларини зудлик билан қабул қилиш, ногоиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш устидан прокурор назоратининг устувор йўналишлари бўлиб: ногоиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат; ногоиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини сақлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат; ногоиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат; ногоиронлиги бўлган шахслар меҳнатини муҳофаза қилиш, жумладан уларга муносиб иш ўрни ва меҳнат шароитларини яратишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат; ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат хизматлари ва ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланишида тенг имконият яратишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти устидан прокурор назорати кабилар ҳисобланиши ҳақида ҳулосага келинди.

4. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари таъминланиши устидан қатъий, самарали ва таъсирчан прокурор назоратини ўрнатиш, прокурор назорати тадбирларини мунтазам ташкил этиш прокуратура органларидан юксак даражадаги масъулият ва жавобгарликни талаб қилади. Бироқ, ушбу назорат йўналишида прокурор назорати аҳоли қониқарли даражада эмас. Хусусан, соҳага оид қонунийлик аҳолининг чуқур таҳлил қилинмаслиги, прокурор текширувларининг “формал” ўтказилиши, қонунбузилиш ҳолатлари бўйича зудлик билан прокурор таъсир чораларининг қўлланилмаслиги, соҳага масъул ваколатли давлат бошқаруви органлари билан интеграциялашган ягона ахборот базасининг мавжуд эмаслиги, прокуратура ходимларида соҳага доир махсус билимларнинг етишмаслиги, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан содир этиладиган дискриминация ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш имконини берувчи услубиётнинг йўқлиги, соҳавий назорат учун алоҳида штат бирликларининг ажратилмаганлиги каби омил ва сабаблар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари таъминланиши устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги илмий асосланди.

5. Тадқиқот жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида прокуратура органлари томонидан аниқланаётган қонунбузарликлар таснифланди. Хусусан, ушбу назорат йўналишида тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятида ҳужжатларни сохталаштириш, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби жиддий қонун бузилиши ҳолатлари кўплаб аниқланмоқда. Бу эса соҳага масъул ваколатли органлар фаолияти устидан мунтазам равишда прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказишни тақозо қилади. Шунга кўра, тадқиқот мобайнида мазкур назорат йўналишида ўтказиладиган текширишнинг намунавий режаси ишлаб чиқилди. Мазкур текшириш режасида текширув объектлари, текширувга жалб қилинадиган мутахассислар ҳамда текширув жараёнида ўрганилиши лозим бўлган масалалар ўз аксини топган.

6. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини алоҳида идоравий ҳужжат доирасида тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилиш устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги махсус соҳавий буйруғини ишлаб чиқиш ва унда мазкур назорат йўналишида прокуратура органларининг асосий вазифалари, соҳада фаолиятни

баҳолашнинг асосий мезонлари, прокурор назорати тадбирларида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар кўрсатилиши лозимлигига оид таклифлар асослаб берилган.

7. Ногиронлиги бўлган болалар учун ижтимоий пенсия ва уларни парваришlash билан шуғулланувчи шахсларга ажратиладиган тўловларни ногиронлик даражасига қараб дифференциация қилиш уларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олишга хизмат қилади. Ногиронлик даражасини боланинг ҳаёт фаолияти чекловлари ва функцияларнинг бузилиши асосида баҳолаш орқали моддий ёрдамни мақсадли ва адолатли тақсимлаш мумкин бўлади.

II. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир хулоса ва тавсиялар:

8. Ногиронлиги бўлган шахсларга прокуратура органларига электрон мурожаат юбориш имкониятини яратиш уларнинг ҳуқуқий фаоллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, шахсий қабул жараёнида мазкур шахсларга устуворлик бериш амалиётини қонунчиликда тўлиқ акс эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси ҳамда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасини: *“Ногиронлиги бўлган шахслар шахсий қабулда биринчи навбатда устунликка эга.”* мазмунидаги норма билан тўлдириш таклиф этилди.

9. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунига руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни психиатрия муассасаларига жойлаштириш фақатгина суд қарори асосида амалга оширилишни белгиловчи норма билан тўлдириш таклиф этилди.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига жисмоний имконияти чекланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга доир, хусусан ҳар қандай ёшда мактабга мослашиши учун махсус психологик коррекцион дастурлардан фойдаланиш имкониятини яратиш бўйича алоҳида норма киритиш таклифи асослантирилди.

11. Қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги тиббий ижтимоий экспертизага эҳтиёжманд фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилишни тўлақонли таъминламасдан, махсус ваколатли давлат органлари ва муассасаларининг фаолиятини мураккаблаштираётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Тиббий ижтимоий экспертиза тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини қабул қилишга бўлган зарурат илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

12. Соғлиғи ва ҳаёт фаолиятининг (функцияларининг) чекланиши Халқаро классификацияси асосида ижтимоий моделни амалиётга босқичма-босқич жорий этиш, ногиронликни белгилаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка

имплементация қилиш, фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш жараёнини рақамлаштириш ҳамда унда инсон омили иштирокини камайтириш зарур деган хулосага келинди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур Фармон лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикасида ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси” ва уни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) ҳамда Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш назарда тутилган.

III. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини такомиллаштиришга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолият самарадорлигини янада ошириш, ушбу соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш, қатъий прокурор назоратини ўрнатиш мақсадида юқоридаги агентликни “Ижтимоий ҳимоя вазирлиги” сифатида ташкил этиш лозим деган хулоса илгари сурилди.

14. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг кенг қамровлилиги, иш ҳажмининг юқорилиги, шунга қарамай, ушбу назорат йўналишида бевосита фаолият кўрсатувчи прокуратура ходимлари штат бирликларининг мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, шунингдек прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Бош прокуратуранинг “10.1 – Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси” таркибида алоҳида “10.1/3 – Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат” бўлимини ташкил этиш зарур, деган хулосага келинди.

Шу билан бирга, келгусида соҳавий тезкор ходимларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатининг ўзига хос хусусиятларидан (қар-соқов, кўзи ожиз, руҳий нуқсонга эга бўлган ва ҳ.к.) келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида махсус дастур асосида мунтазам билим ва малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

15. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш фақатгина ижтимоий сиёсат ёки соғлиқни сақлаш масаласи эмас, балки инсон қадрини ҳимоя қилиш ва давлатнинг конституциявий мажбуриятларини бажариш масаласидир. Прокуратура органлари мазкур жараёнда назорат, таҳлил ва ҳуқуқий таъсир воситаларини комплекс қўллаши, ҳуқуқий-амалий сиёсатни инсонпарварлик ва инклюзивлик тамойиллари асосида амалга оширишлари зарур. Бу борада прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Прокуратура – Ижтимоий ҳимоя – Соғлиқни сақлаш” ҳамкорлик платформасини яратиш зарур.

Мазкур тизим ваколатли органлар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, соҳада содир этилаётган қонунбузарликларга нисбатан прокурор таъсир чораларини тезкорлик билан қўллаш, ногиронлиги бўлган шахсларга оид қабул қилинадиган қарорлар ва уларнинг шикоятларини оператив муҳокама қилиш имконини беради. Бу каби “уч томонлама ҳамкорлик модели” прокурор назоратини кучайтирибгина қолмай, балки ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш таъсирини ҳам оширади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 AT THE LAW ENFORCEMENT ACADEMY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE LAW ENFORCEMENT ACADEMY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

HIKMATOV SHUKHRAT SHABANOVICH

**IMPROVEMENT OF PROSECUTORIAL SUPERVISION IN ENSURING
THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES**

12.00.07 - Judicial authority. Prosecutorial supervision. Organization of law enforcement activity. Advocacy

DISSERTATION ABSTRACT
of the Doctor of Philosophy (PhD) on legal science

Tashkent – 2025

The theme of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation was registered at the Supreme Attestation Commission under the ministry of higher education, science and innovation of the Republic of Uzbekistan with number B2024.4.PhD/Yu1654.

The dissertation is prepared at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (www.proacademy.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:

Isokov Lukhmonjon Kholboyevich

Doctor of Sciences in Law, Professor

Official opponents:

Djuraev Ixtiyor Baxtiyorovich

Doctor of Sciences in Law, Professor

Komilov Avazbek Bokijonovich

Doctor of Sciences in Law, Associate Professor

Leading organization:

**National Human Rights Center of
the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held at 15⁰⁰ on 25 December 2025 at meeting of the Scientific Council DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (Address: 100190, Rikhsili street, 9. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

The dissertation is available at the Information Resource Centre of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (registered No. 78), (100047, Shahrissabz street, 42. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96.

The abstract of the dissertation is distributed on 12 December in 2025.
(Registry Protocol No. 42 on 12 December 2025).

M.A. Aminjonova

Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

Sh.I. Shayzakov

Scientific secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor

V. Karimov

Chairman of the scientific seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

INTRODUCTION (annotation of the PhD thesis)

The relevance and necessity of the dissertation topic. Approximately 15 percent of the world's population lives with some form or degree of disability, and four-fifths of them reside in developing countries¹. Although a significant portion of persons with disabilities belong to the economically active segment of the population, their employment rate remains notably low. The number of persons with disabilities is increasing year by year², with nearly one million individuals accounted for by Uzbekistan³. As the global social outlook evolves and the human factor assumes a dominant role, attitudes toward persons with disabilities are undergoing a profound transformation. In recent years, international legal instruments have shifted their focus from isolating persons with disabilities to ensuring their full integration into society. This paradigm shift necessitates the development of new principles for addressing the challenges faced by persons with disabilities, including their adaptation to social life, promotion of employment opportunities, improvement of education quality, and, most importantly, the establishment of modern mechanisms for the protection of their rights.

A number of international legal instruments, in particular, the Universal Declaration of Human Rights (1948) and the Convention on the Rights of Persons with Disabilities (2006) adopted by the United Nations have established that persons with disabilities are entitled to special care and protection. All these instruments demonstrate that, at the international level, it is necessary not only to safeguard the rights and legitimate interests of persons with disabilities, but also to strengthen and refine effective monitoring mechanisms ensuring the proper implementation of legislation in this area. Consequently, it has become increasingly important to enhance strict state and public supervision over the observance of the rights of persons with disabilities and to conduct scholarly and practical research aimed at improving the organizational and legal foundations of the activities of prosecutorial bodies in this field.

In the Republic of Uzbekistan, a national legal system for the protection of the rights and lawful interests of persons with disabilities has been established. Within this framework, supervisory measures conducted by the prosecution authorities to ensure the uniform and proper enforcement of legislation in this sphere serve as a key guarantee for safeguarding their rights and legitimate interests. In particular, during the period from 2023 to 2025, a total of 54 criminal cases were initiated nationwide in connection with the establishment, revocation, and modification of disability status. The majority of these cases were related to instances of falsification,

¹ World Bank. Disability Inclusion. Available at: <https://www.worldbank.org/en/topic/disability#1> World Health Organization (WHO). World Report on Disability. Geneva: WHO, 2011. ISBN 978-92-4-068521-5 (PDF), p. 29. Available at: https://www.who.int/disabilities/world_report/2011/report.pdf (Accessed: 15 May 2025).

² As of October 1, 2025, a total of 1,058,601 persons with disabilities were registered across the Republic. This represents an increase of approximately 40,000 individuals compared to the beginning of 2024. The overall rate of persons with disabilities amounts to 269.2 per 10,000 population, up from 260.2 per 10,000 in 2024.

³ Mirziyoyev, Sh. M. Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the People of Uzbekistan on the Occasion of the International Day of Persons with Disabilities, 3 December 2021. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/4802> (Accessed: 15 May 2025).

misappropriation, and embezzlement within the activities of medical and social expert commissions. In 2024, 87 inspections were carried out in the field, as a result of which 832 violations of the law were identified. Based on the outcomes of these inspections, protests were lodged against 37 unlawful acts, 85 submissions were introduced to eliminate identified violations, 136 officials were subjected to disciplinary liability, 39 officials were held administratively liable, voluntary compensation of damages amounting to 2.7 billion Uzbek soums was ensured, and 16 officials were formally warned against future violations of the law. Furthermore, 25 criminal cases were initiated in connection with gross violations of the law, and the violated rights of 1,734 individuals were restored. Moreover, an analysis of inspections conducted by the prosecution authorities in this area during 2022–2024 demonstrates that, despite a 40 per cent reduction in the number of inspections from 145 in 2022 to 87 in 2024 the number of identified violations decreased by only 20 per cent (from 1,041 to 832). This indicates the insufficient effectiveness of preventive measures and the persistence of violations of a systemic nature. In addition, although the number of protests decreased from 45 to 37 (–18 per cent), the number of acts annulled as a result of such protests declined from 40 to 29 (–27.5 per cent), which reflects a reduction in the practical effectiveness of prosecutorial protests. These indicators underscore the necessity of improving the activities of the prosecution authorities in this field, and, in particular, conducting in-depth theoretical and practical research aimed at enhancing the effectiveness of prosecutorial supervision. Furthermore, as emphasized by the President of the Republic of Uzbekistan, Sh. M. Mirziyoyev, the rights of persons with disabilities to access existing opportunities within society—including freedom of movement, healthcare, education, employment, rehabilitation, and participation in political and social life are being ensured¹. This position further confirms the relevance and necessity of comprehensive scientific research in this area.

The present research contributes, to a certain extent, to the implementation of the objectives set forth in the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor’s Office” (2001), the Law “On the Rights of Persons with Disabilities” (2020), the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022–2026” (2022), as well as the Presidential resolutions “On Additional Measures to Improve the System of Support for Persons with Disabilities” (2023), “On Additional Measures to Improve the System for Determining Disability” (2024), and “On Additional Measures to Further Improve the System of Social Services and Assistance for Children with Disabilities” (2025), along with other relevant regulatory legal acts governing this field.

Compliance of the Research with the Main Priority Areas of the Development of Science and Technology in the Republic. This dissertation research has been conducted in accordance with Priority Area I of the main directions for the development of science and technology in the Republic of

¹ Mirziyoyev, Sh. M. Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the People of Uzbekistan on the Occasion of the International Day of Persons with Disabilities, 3 December 2021. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/4802> (Accessed: 15 May 2025).

Uzbekistan, entitled: “Formation and implementation of a system of innovative ideas in the social, legal, economic, cultural, and spiritual-educational development of an information-oriented society and a democratic state.”

Degree of Research on the Problem. Issues related to the improvement of prosecutorial supervision in ensuring the rights of persons with disabilities have been explored in various dimensions, which may be summarized as follows:

First, the conceptual ideas concerning the rights of persons with disabilities are reflected in the works of the President of our country, Sh. Mirziyoyev¹;

Second, the general theoretical and legal aspects related to ensuring the rights of persons with disabilities have been studied by scholars such as M.Aminjonova, R.Zhavoronkov, Sh.Ismoilov, L.Isoqov, M.Mamasiddiqov, B.Munavvarov, A.Saidov, M. Tillabayev, M. Usmonova, A. Yusupov, and E.Yakovleva;

Third, certain specific aspects of the rights of persons with disabilities and prosecutorial supervision have been examined in the scholarly works of V.Bessarabov, D.Ibragimov, N.Igonina, A.Komilov, T.Lykhina, O.Madaliev, A.Odinaev, A.Palamarchuk, B.Polatov, F.Rakhimov, N.Subanova, E.Sinelschikova, and others². Some of these scholars have explored theoretical and practical issues concerning the rights of persons with disabilities and/or prosecutorial supervision based on the characteristics of certain countries, while others have addressed these issues incidentally in the course of elaborating various aspects of their research.

However, in the Republic of Uzbekistan, the issue of organizing prosecutorial supervision over the implementation of legislation on the rights of persons with disabilities and improving its legal foundations has not yet been the subject of a separate monographic study.

Relevance of the Dissertation Topic to the Research Plans of the Higher Education Institution. The topic of this dissertation is directly aligned with the scientific research plan of the Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan and has been carried out within the framework of the institutional research project entitled “Improving Prosecutorial supervision in Ensuring the Rights of Persons with Disabilities.”

The main objective of the research is to develop scientifically grounded proposals and recommendations for improving prosecutorial supervision in ensuring the rights of persons with disabilities.

The main tasks of the dissertation are as follows:

to conduct scholarly research on the concepts of persons with disabilities and the protection of their rights;

to examine the formation and development of prosecutorial supervision in ensuring the rights of persons with disabilities;

to provide a comprehensive characterization of prosecutorial supervision in safeguarding the rights of persons with disabilities;

¹ The list of the aforementioned works is provided in the References section of this dissertation.

